



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 2 декабрь, №242 (3354)

Сешанба

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исло Каримовга 1 декабрь куни Оқсаройда Козогистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Тлеухан Кабдрахманов Ишонч ёрлиги топшириди.

Исло Каримов элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлашни билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Козогистон ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Икки мамлакат МДХ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби минтақавий ҳамда кўпалар халқро тузилмалар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентнинг Козогистон элчиси билан суҳбатидан савдо, сармо, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик саноати йўналишлари бўйича икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Исло Каримов шу куни Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Фам Зуи Шондан Ишонч ёрлиги қабул қилиб олди.

Мамлакатларимиз ортали

ғидаги масофа нисбатан узоқлигига қарамай, Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Элчи, хусусан, иқтисодиёт, маданият ҳамда сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ниятида эканлигини таъкидлади.

Исло Каримов вьетнамлик дипломатга янги бошланган миссиясида муваффақият тилади.

Вьетнам элчиси мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш йўлида куч-гайратини аямаслигини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Гао Юйшен Ишонч ёрлигини топшириди.

Элчи билан суҳбат чоғида Исло Каримов Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш имкониятлари кўпчилиги, уларни тўлиқ ишга солиш икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бўйича ҳамкоримиз бўлган Хитой элчиси икки томонлама ҳамкорлик, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш

ишга ҳисса қўшишни ўзи учун бош мақсад сифатида белгиланганини, Ўзбекистондаги миссиясини эса ўзи учун шараф, деб билишини айтди.

Исло Каримов элчига муваффақият тилар экан, ўзаро муносабатлар бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Президент Исло Каримов Эрон Исло Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Фатҳалидан Ишонч ёрлиги қабул қилиб олди.

Эрон Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига эътиборини қўйишмоқда. Мамлакатларимизда эса биргаликда ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар талайгина.

Ўзбекистон ва Эрон айниқса транспорт коммунал-кациялари соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борадаги алоқалар нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама асосда ҳам ривожланипти. Мамлакатларимиз биргаликда Афғонистон транспорт тизимини тиклаш ва такомиллаштиришга катта ҳисса қўшапти.

Суҳбат чоғида ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.



Йиллар ва йўллар

## МУҲРАЛАНГАН ЖАСОРАТ

Қамчиқ довони ва унинг бағридан ўтган йўл ҳақида кўп ёзилди, хўб ёзилди. Дарҳақиқат, мустикалик йилларида бу йўлда мислсиз ишлар амалга оширилди, юзлаб, минглаб қурувчи, йўлсозлар бу улкан трассада жасорат кўрсатишди. Эндиликда бу йўл халқро микёс билан баҳоланадиган бўлди, Ўзбекистони дунё билан боғловчи унлаб ристалардан бирига айланди. Тахриратимизда бу йўлдан фотожурналистимиз Тохиржон Ҳамроқулловдан кўра кўпроқ юрган ва йўлсозлар билан дилдан суҳбатлашган ходим бўлмаса керак. Кишининг қировли, ёзининг жазирима, баҳорнинг сержала ва кузнинг изгирилли кунларида ҳам йўлсозлар унинг машинасини узоқдан танишади ҳамда мухбирнинг

иши ўзларининг ташвишларидан-да кам эмаслигини айтишади. Зеро, йўлсозлар йўлнинг бехатарлиги учун узукун тиним билешмайди, журналист эса уларнинг меҳнатини элга кўрсатишдан чарчамайди. Айниқса, фотомухбирнинг оний лажаларни мангуликка мухрлаши янада маалаки меҳнати талаб қилади.

Анградаги «Дукент йўллари» шўба корхонасининг автогрейдерчиси Расулжон Исоқов (суратда)га бу улкан трассадаги қурилишлар бошдан охиригача яхши таниш. У ўз ҳамкасблари билан катта ва ҳайрли ишда бевосита иштирок этгани ва режадаги ишларни муддатидан илгари бажарганилиги билан ҳаммиша фахрланади. Ахир элга хизмат қилишдан ортиқроқ саодат борми бу дунёда?

## Конституцияни ўрганамиз

Қайси куни Навоий Давлат педагогика институтидан бўлдим. «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш на-зарияси, амалиёти ва ҳуқуқшунослик» кафедраси қоши-да ташкил этилган марказ фаолияти билан танишдик. Талаба-ёшларнинг асосий қонунимизни сидқидилдан ўрганиб, уни тарғиб ва ташвиқ қилишларини кўриб ҳавасимиз келди.

## Иштиёқни уйғотиш

омиллари кўп. У маърифий шарт-шароитларнинг нечоғли ва содда, раво шарҳлар орқали тушунтирилишига ҳам боғлиқ

Хуллас, улар Конституциямиз берган имкониятнинг ўз ҳаётларидаги аксини чуқур тушуниб, кўриб-билиб туришибди. Қомусимизни атрофича ўрганиш, унинг тарғиботи билан шуғулланиш иштиёқи кундан-кунга кучаймоқда десам, асло муболага бўлмас. Кафедра мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Аҳмаджон Фозиловнинг бу ҳақдаги фикрлари қуйидагича:

— Кўзингиз тушгандир, даҳлиш, фойе, заллар, ўқув хоналарида 40 дан ортиқ стендлар ўрнатилган. «Конституциявий ҳуқуқ» фанидан энг билимдон, тажрибали ўқитувчилар дарс беришади. Марказимиз ҳар бир талабада, албатта, фикр-мушоҳада уйғотди, деб ўйлайман. Махсус

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:
- а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;
- г) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркеклар;
- д) мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш-жойидagi давлолаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар;
- е) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.
3. Биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар жазодан озод қилинсин.
4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.
5. Қасдан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — бешдан бир қисмига.
6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:
- а) қасдан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига;
- б) қасдан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — бешдан бир қисмига.
7. Таъдбик этилмасин:
- а) мазкур Фармон — ўта ҳавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузайтган маҳкумларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасдан жиноят содир этган шахсларга;
- б) мазкур Фармоннинг 1-3, 5, 6-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан.
8. Фармон эълон қилинган кундан кўра қиради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**  
Тошкент шаҳри,  
2003 йил 1 декабрь.

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ  
ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI  
ISLOM KARIMOV JANOBII  
OLIIYLARIGA

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Рўза хайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу истақларимизни изҳор этишдан хурсандман.

Ушбу айёмда Аллоҳдан Сиз Жаноби Олийларига сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар халқингизга фаровонлик ва раванқ, ислом умматига эса шон-шухрат ва юксалиш ато этишини сўрайман.

Қамоли эҳтиром ила,  
Биродарингиз

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД,**  
Саудия Арабистони Валиахди,  
Вазирлар Маҳкамаси раисининг  
биринчи ўринбосари.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI  
ISLOM KARIMOV JANOBII  
OLIIYLARIGA

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Рўза хайити муносабати билан Сиз Жаноби Олийларига ўзининг самимий табрикларимизни йўллаб, сийҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақият тилайман.

Саховатли ва раҳмдил Аллоҳ мусулмон умматига бирдамлик, тараққиёт ва фаровонлик ато этсин.

Жаноби Олийлари, Ўзбекистон Республикаси халқига бўлган юксак эҳтироми-рини қабул этгайсиз.

**Аҳмад Муҳаммад АЛИ,**  
Ислом тараққиёт  
банки президенти.

## Тармоқ тақдирини фермерлар ҳал қилади

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Президентимизнинг 2003 йил 27 октябрдаги "2004-2006 йилларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 476- ва 486-сонли қарорларининг бажарилишини ташкил қилиш ва тўлиқ ижросини таъминлашга бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда агросаноат мажмуидаги қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, компания, корпорация, уюшма, бирлашмалар, тармоққа хизмат кўрсатувчи молиявий муассасалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги бўйича биринчи ва иккинчи даражали масалалар билан шуғулланувчи ўринбосарлари, бир қатор туман ҳокимлари ҳамда илгор фермерлар қатнашди. Йиғилишнинг Бош вазир ўринбосари Р. Азимов олиб борди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И. Жўрабеков кун тартибидagi масалалар юзасидан маъруза қилди.

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохот-

лар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Маълумки, Президентимизнинг аввалиги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида дунё тажрибасида ўзини бир фермерга ўртача 24,5 гектар ер тўғри келади. Утган даврда мазкур усул ўзини тўла оқлади. Шу боиси зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли 337 ширкат хўжалиги неғизда кейинги уч йилда 20 мингдан ортиқ фермер хўжалиғи тuzилди, уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма яратилди.

Янги фермер хўжалиқларининг қўрсаткичлари ҳам аввалги ширкат хўжалиқлариникидан анча юқори бўлаётгани эътиборга лойиқдир. Масалан, Навбахор туманидаги "Зарафшон" ширкат хўжалиғи ўтган йили гектар ҳисобига пахтадан 17 центнер, галладан 33 центнердан ҳосил олиб, йилни 27 миллион сўм зарар билан яқунлаганди. Жорий йилда эса унинг неғизда ташкил этилган 47 та фермер хўжалиғида бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 31 ва 44 центнерга өтди. Пировардида 44 миллион сўм соф фойда олинди. Бундай ўзгаришни барча вилоятларда кузатиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

## ХИВА ГИЛАМЛАРИ

### хорижликлар уйини ҳам безайди

Юртимизнинг ҳар бир вилояти, шаҳри, қишлоқлари ўзига хос санъати, ҳунармандчилиги билан доғруғ таратган. Марғилон атласи, Бухоро зардўзлик буюмлари, Чуст пичоғи билан ном қозонган. Хива эса нафақат қадимий обидалари, балки ўзининг бетакрор, нақшинкор, чўғдек гиламлари билан ҳам машҳур. Аждодлари анъанасини, ҳунарини давом эттираётган хоразмлик гиламдўзлар Хива гиламларининг шон-шухратини бутун элга ёйиб келмоқдалар. Ўзбекининг хонадонини эса гилам-

сиз тасаввур қилиш қийин. Гилам тўшалган уйга кирсангиз, юмшоқ нақшинкор гиламда оёқ қўйсангиз, гулзор ичига киргандай ҳис қиласиз ўзингизни. Шунда Хоразм гиламдўзларининг санъатига, нақш солиш бобидаги ҳунарига тан берасиз.

2002 йилнинг 1-сентябрида Хива гиламдўзлари ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Хивада «Хива-карпет» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ишга туширилди. «Хива гилам» акциядорлик жамияти, Германиянинг «Текстпроект» фирмаси ва «ГЕКО» савдо уйи билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу корхонага Германия ва Франциядан энг замонавий дастгоҳлар келтириб ўрна-

тилди. Йилига 2 миллион 334 минг 480 квадрат метр гилам ва гилам поёндоzлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона Хоразмда гиламдўзликни янада ривожлантириш, маҳсулотларни хорижга экспорт қилишга имконият яратди.

Хозир корхонада 1000 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг 80 фоизи хотин-қизлар бўлиб, унумли меҳнат қилиш, яхши ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратилган. Гиламдўзларнинг 14 нафари Германияга бориб, малака ошириб қайтди. Махаллий ёшлар хорижнинг, компьютер орқали бошқариладиган дастгоҳларда ишлаб сифатли гиламлар тўқимокдалар.

— Тасаввур қилинганга, аввалги 90 та дастгоҳнинг ишини ҳозирда 8 та дастгоҳ бажараяпти, — дейди корхона бош муҳандиси Бахтиёр Олломонов. — Ҳар кун 2 минг 600 кв. метр гилам ва гилам поёндоzлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонада ишлаб чиқарилаёпти. Ишни 3 сменада ташкил этганмиз. 4та бригада алмашиб, кеча-кундуз ишлайди. Қўл меҳнати ниҳоят-да кам.

Корхонада буюртма асосида иш олиб борилади. Гиламларнинг нақшлари 2 нафар расом томонидан компьютерда чизилади. Уларда табиатнинг барча ранги жилонанади. Гиламнинг қоғоздаги нусхаси Интернет тармоғи орқали хорижлик буюртмачиларга юборилади. Харидор танланган нусхага буюртма олинади. Авваллари 2-3 хил ҳаждаги гиламлар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир турли ҳаждаги, ҳатто ярим квадрат метрлик гиламлар ҳам тайёрлаб

берилаяпти. Чунки харидорнинг диди, талаби шундай.

—Шундай замонавий корхонада ишлаш, хонадонларга кўрк бағишлайдиган гиламлар тўқиш кишига завқ бағишлайди, — дейди гиламдўз Зухра Абдуллаева. — Бу ерда ишлаб чарчамайсиз, дастгоҳлар билан тиллаша олсангиз бас. Кўзини қувонтирадиган гиламлар тайёр бўлаверади. Қўл кучига ҳожат йўқ. Маошимиз ўртача 50 минг сўм. Овқат пули, ёрдам пули берилади. Доим ғамхўрликни ҳис қилиб турбимиз.

Айни пайтда корхона ҳар ойда 20-25 минг кв.метр гилам ва гилам поёндоzларини четга экспорт қилаяпти. Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Барноул шаҳарларида корхонанинг савдо уйлари ташкил этилган. Экспорт ҳажми кундан-кунга ортиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, «Хива-карпет» қўшма корхонасининг гиламлари ҳақон бозорда ўз ўрнини топаёпти.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



Шарҳловчи минбари

Россия: сайловолди эҳтирослари

Россия муҳим сиёсий воқеа олдида турибди. Шу хафтанинг охирида Давлат думасига сайловлар бўлиб ўтади. Кузатувчилар ва сиёсатчиларнинг фикрича, яна тўрт йил муддатга сайланадиган янги парламент учун кураш қизғин ва кескин вазиятда ўтиши кутилмоқда. Шу кунларда турли сиёсий кучлар ўзларининг мақсад ва...

тахмин қилинмоқда. Ҳозирча «Едина Россия», «Яблоко», СПС, КПРФ ва ЛДПР партияларининг устуңлиги сезилганди. Бу партиялар ўтган хафта охириги мажлисини ўтказган парламентда ҳам етакчи сиёсий куч ҳисобланарди. Янги парламентда бўладиган сайловда эса ана шу куч билан рақобатлаша оладиган янги партиялар қатнашади. Шулардан бири «Россия Федерацияси Халқ партияси»дир. Бу партия эски даумда бир мандатли округлардан сайланган ва «Халқ депутати» номини олган депутатлар гуруҳи негизда ташкил этилди. Унга танкичи сиёсатчи Геннадий Райков, жановар генерал Геннадий Трошев, дин ароби Николай Державин раҳбарлик қилишапти. Райков расмий равишда партия раиси. Бу уқлик сайловолди тарғибот ишларини «тартиб-интизом, ахлоқ, ҳимоя» шиори остида олиб бо...

ряпти. Халқ партияси ўзининг халққа яқинлигини тиммай тарғиб қилапти. Аслида бошқа партиялар ҳам ўзларининг халқпарварлик гоялари билан сайловчиларнинг ишончига ҳаракат қилишапти. Ватанпарварлик гояси ҳам аксарият партиялар дастурларининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу сафарги сайловда «Родина» деган яна битта сиёсий блок пайдо бўлди. «Родина» вакиллари ўзларини Ватан фидойилари деб аташмоқда ва сайловчиларни бошқа сохта ватанпарварларга овоз бермасликка даъват этишмоқда. Яқинда Россия телеканалдаги юзма...

юзма мулоқотда «Родина» вакили Андрей Савельев ЛДПР раиси Владимир Жириновскийни сохта ватанпарвар деди. Студияда мушталашиб бошланиб кетишига сал қолди. Бундай жанжалли ҳолатлар бошқа партиялар ўртасида юзма-юз мулоқотларда ҳам бўлиб турибди. Умуман, ҳозирги сайловолди жараёнида бошқаларни камситиш ҳисобига оғир орттиришча бўлган интилиш кучли. Бу усулни, айниқса, коммунистлар, либерал-демократлар ва демократлар кенг қўлланмоқда. Улар ўнг келганда ҳукуматнинг қадамларини маъқуллаётган «Едина Россия»га тош отмоқ...

далар. Баъзи маслақдош сиёсий кучларнинг ўзаро иттифок тузишлари қийин кечмоқда. Жумладан, демократик йўналишдаги СПС билан «Яблоко»ни олайлик. Уларнинг сайловда ягона сиёсий куч — иттифокчи сифатида қатнашаётган ҳақида кўпдан бери жиддий гап-сузлар бўляпти. Бирок амалда шу пайтгача иттифок тузишнинг иложи бўлмади. Бу партияларнинг етакчилари баҳо бермоқдалар ва оқибатда мурожаат йўлини топа олмаётганлар. «Общественное мнение» фонди ўтказган сўровга кўра, ҳозир «Яблоко»нинг имконияти 13 фоиз атрафида баҳоланаётган бўлса, СПСнинг бу борадаги кўрсаткичи 19 фоизга етди. Демак, ҳозир СПС иккита етакчи сиёсий куч, яъни «Едина Россия» ва КПРФ (Россия Федерацияси коммунистик партия...

сидан кейин учинчи ўринни эгаллаб турибди. Ҳозир ҳатто СПСнинг КПРФ билан иттифокчи киришиши мумкинлиги ҳақида гап-сузлар юрибди. Барибир демократ Борис Немцовнинг партияси коммунист Геннадий Зюгановнинг партияси билан яқинлашишига ишончи қийин. Айтгандай, коммунистлар ўртасида ҳам бўлиниш юзага келган. Зюгановчилар ўзларига иттифокчи излаётганликларига боиси шундан.

Умуман олганда, «Едина Россия»нинг имкониятлари бошқа сиёсий кучларникига қараганда катта. Чунки, унинг атрафида Гризлов, Шойгу, Шаймиев, Лужков сингари уқлик танили сиёсатчилар, давлат арбоблари уюшган. «Едина Россия» президенти кўлаб-қувватлаб келаётган сиёсий партия сифатида танилган. Охтимола янги сайланадиган парламентда ҳам бу партия ўз мақенини сақлаб қолар.

Булар ҳозирча тахминлар. Амалда нима бўлишини яна беш кундан кейин — 7 декабрда ўтказилажак сайловлар кўрсатади.

Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи.

Яна отишма

Яқинда кун кечурун Ироқнинг Самарра шаҳридан йўлга тушган АҚШ ҳарбий колоннаси тўсатдан жангарилар ҳужумига дуч келди. Бўлиб ўтган жангда америкаликлар 52 нафар ироқлик жангарини отиб ташлашди. Пентагон берган маълумотда келтирилишича, 8 жангари қўлга олинган. Шу кун Ироқ шаҳрида ҳам жангарилар билан бўлган жангда Жанубий Кореянинг икки фуқароси отиб кетилди ва яна иккитаси яраланган. Жанубий Корея президенти Но Му Хен Ироқда бўлиб ўтган бу воқеани қоралаб...

Кимнинг имконияти кўп?

Грузия Марказий сайлов комиссияси 4 январда мамлакат президенти учун бўлажак сайловга 12 нафар номзод рўйхатга олинганини маълум қилди. Кузатувчиларнинг фикрича, номзодлар ичида «Миллий ҳаракат» ҳамда «Буржанадзе-демократлар» блокидан Михаил Саакашвили ва собиқ Грузия президентининг Имерет (ғарбий Грузия) ҳудуди бўйича вадмачиси Теймураз Шашиашвилининг бу сайловда ютиб чиқиш имконияти кўпроқ. Бундан ташқари, Грузия Хавфсизлик хизмати бошлиғи Игорь Георгадзенинг ҳам бу сайловда галаба қозонишига имконияти етарли, аммо шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Марказий Сайлов комиссияси томонидан унинг номзоди рад қилиниши мумкин. Игорь Георгадзе охириги икки йил давомида мамлакатдан ташқарида ашаганлиги учун шу йил 2 ноябрда Грузия парламентига бўлиб ўтган сайловда қатнашишга Марказий комиссия руҳсат бермаган эди.

Икки номзод — «Довуд Курувчи жамияти» етакчиси Роин Лепартелиан ҳамда «Грузия адвокатлари иттифоқи»дан ҳуқуқшунос Карлос Гарибашвили учинчи бор сайловда қатнашиши. 1995-2000 йиллар учун бўлиб ўтган сайловда улар кам овоз тўплагандилар.

Қолган номзодлар — ҳуқуқ ҳимоячиси Георгий Корганашвили, «Мдзевели» сиёсий бирлашмаси бошлиғи Зураб Келехашвили, ташаббускор гуруҳлар Бидзина Харибашвили, Важа Чхидзе, Гия Чхикадзе, Серго Аксентьев ва Заза Сихарулидзелар мамлакатда уқлик машур шахслар эмас. Сайловда қатнашиш учун ариза қабул қилиш муддати парламент қарорига боғлиқ. Марказий сайлов комиссияси раиси Зураб Чиаберашвилининг сўзларига қараганда, бу муддат яна бир неча кундан кейин маълум бўлади.

ИТАР-ТАСС

Ер силкиниши

Кеча эрталаби соат еттиларда Қирғизистоннинг шимолида Рихтер шкаласи бўйича 8 баллик зилзила қайд этилди. Мамлакат сейсмология институти берган маълумотга қараганда, ер силкинишининг маркази Қирғизистоннинг шимоли-шарқидидаги Қорақул вилоятидан 190 километр узоқликдаги тоғли ҳудудда бўлган. Айна пайтда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари аҳолини ўрганишмоқда. Ҳозирча қурбон бўлганлар ва талафот кўрганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

«Новости»

Бош вазирнинг режаси

Исроил Бош вазир Ариэль Шарон Фаластин билан алоқани яқинлаш борасида ишлаб чиққан режасининг биринчи босқичига биноан яҳудийлар Иордан дарёсининг ғарбий соҳилига қўчирилади. Ҳукумат берган маълумотларга асосланиб Исроил телеканалларидан биридан тарқатган хабарига қараганда, режанинг биринчи босқичи яқин хафта ичида амалга оширилади ва шу йўл орқали «Йул харитаси» тинчлик режаси амалга оширилади. Мабоодо «Йул харитаси» маълум сабабларга кўра амалга ошмай қолгудек бўлса, Исроил томони иккинчи босқичга ўтади. Бунга кўра Исроил томонидан айна пайтда босиб олинган 40 фоиз ҳудуд бўлгуси Фаластин ҳукуматига қайтарилди ҳамда Ғарбий соҳилдаги «Хавфсизлик девори» қурилиши тўхтатилади. Бундан ташқари, Исроил томони тинчликка эришув мақсадида худуднинг маълум қисмини Фаластин иктириги топириш ишлари АҚШ, Россия, Европа Иттифоқи ва БМТ шафелигида амалга оширилишини маълум қилди.

NEWS.RU

Эмбарго эълон қилмоқчи

БМТ котиби Кофи Аннан Конго Демократик Республикаси ва у билан чегарадош бўлган давлатларга кузатувчилар комиссиясини жўнатиши режалаштирмоқда. Мамлакатта қурол-ярқ олиб келтирилишига эмбарго эълон қилмоқчи. Бош котибининг сўзларига қараганда, комиссиянинг фаолиятини қузатиш ва таъқиқлов эълон қилиш масаласини кўриб чиқиш учун Хавфсизлик Кенгашига аъзо давлатлар қачирилади.

Reuters


Зарар кўради

Европада қўл телефондан фойдаланувчилар SMS (матн ҳолида хабар узатиш) хизмати учун олинган ҳақи бекор қилиниши сўрашмоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчилар асосан Франция, Буюк Британия, Испания ва Италиядан. Wall Street Journalнинг маълум қилишича, истеъмолчиларнинг бу талаби қондирилмаган бўлса, қўл телефони билан шуғулланувчи компаниялар миллиардлар доллар зарар кўради.

NEWS.RU

Юнус БҮРОНОВ тайёрлади.

ОЛАМ НАФАСИ Янгиликлар, воқеалар, далиллар



Тони Блэр ва Жак Ширак Европа Иттифоқининг қурол кучларини яратиш режаси мавжудлигини маълум қилишди. Уларнинг айтишича, кучлар НАТОни инкор қилмайди ва унга қарши қаратилган эмас.

Лашди. Улар, агар керак бўлса, БМТ қўл остига юборилиши мумкин. Томонлар имзолаган ҳужжатда айтилишича, «Мақсад — 1,5 минг ҳарбийдан иборат жанговар гуруҳлар тузиш. Уларни бир давлат ёки бир неча давлат биргаликда юбориши мумкин. Шунингдек, уларга комплекс чоралар доирасида лозим транспорт ва фронторти кўмаги кўрсатилади».

Булар Франциянинг ёздаги тинчликпарварлик ҳаракатларидан орттирилган тажрибадан олинган. Маълумки, Британия Франция тинчликпарвар кучларининг Конго демократик республикасидаги инкўрозни бартараф этишдаги интилишларини кўлаб-қувватлаганди.

Жак Ширак биринчи бор Британия, Франция ва Германия ўртасидаги ҳамкорликни ЕИни мустақамловчи воқеа сифатида эътироф этди. Европа Иттифоқи келгуси йилда 25 аъзога кенгайтирилади, деб ёздаи Financial Times.

Европа армияси яратиладими?

Шу масала бўйича Лондонда бўлиб ўтган бир кунлик саммитда томонлар келгуси йили нишонланадиган Антанта тузилганга 100 йил тулиши арафасида ўзаро муносабатларнинг бирмунча иқлишганини эътироф этишди.

АКШнинг ЕИда ҳарбий штаб қурилиши Шимолий альянсга пўтур етказиши мумкин, деган хавотирларига қарамадан, Буюк Британия бош вазир ва Франция президенти маъруза мулофаси сўради НАТО билан ҳамон ҳам бўлишини таъкидлашди.

масала: Шимолий альянснинг тузилмасини такорламайдиган Европа қўмондонлик тузилмасини яратиш масаласини четлаб ўтишди. Британия ва америкалик ҳарбийлардан, агар Франция илгаридан оруз қилиб келатган мақсади — алоҳида қўмондонлик ва назорат маркази яратилса, альянсга пўтур етиши мумкин, деган фикр маъжуд.



Мексика, Гвадалахарадаги кўприкларидан бирининг қутилмаганда қулиши уч кишининг жиддий жароҳатланишига сабаб бўлди. Фавқулодда қўлган кўприк нефть қуварини ҳам узиб юборди. Ҳозирда ҳукумат вакилларида иборат комиссия ҳодиса сабабларини ўрганмоқда. Кўприк автомобиллар оғирлигидан қулагани, ёки... Бу комиссия хулосасига боғлиқ.

Йилнинг энг гаройиб ихтиролари

Time журналида чоп этилди

Ҳам совутади, ҳам пиширади

Олимлар духовка ва музлатгични бирлаштиришга бел боғлашди ва маълум натижаларга эришишди. Ҳа, янги ускунага, масалан эрталаб музлатилган гўшти солиб қўйиб ишга кетиш мумкин. Ишдан қайтишдан олдин эса интернетта уланган духовка музлатгичга кўнгирак қилинади. Уйга қайтганингизда сизни иссиқ таом кутаётган бўлади.

Қишқи велосипед

Саёхатчи Дуг Стоуп 2000 йилда Жанубий кутбининг антарктик қирғоқларига чангида етиб борган биринчи америкалик бўлди. Шундан сўнг Стоуп саёхатнинг энг асосий етишмовчилиги «жузда кичкина тезлик» эканлигини қайд этди. Ихтирочи Дан Ханебрик бу етишмовчи...

Асабни тинчлантирувчи робот-мушук

Олимлар азалдан мушуги бор одам ўзини бахтли ва осойишта сезишини аниқлашган. Японияда яратилган HeKoPo (америкаликлар уни Макс деб номлашди) робот-мушук ҳақиқийсидан қарийб фарқ қилмайди. У турли ҳаракатларни кузатиш ва байроқларни бажаради. Робот-мушукни сийлаб номи айтилса, миёвлайди ва қўлқларини қимирлатади. Шунингдек, у ўтириши, ўзини ялаши ва уқлиши аниқлик билан терепевлар робот-мушукни турли руҳий ҳасталиқлардан азират чекатланларга тавсия қилишмоқда.

Олдини олган афзал

Бу йил грипп сўнги ўттиз йил давомида энг оғир кечуши мумкин. У шу мавсумда одатдагидан эртароқ тарқала бошлайди ва вируснинг тез ўзгарувчанлиги туфайли эмлашлар қор қилмаслиги мумкин.

АКШнинг Касалликларни назорат қилиш марказининг расмий вакили Жули Гербердинг

15000 нафардан зиёд киши гриппга мубтало бўлишини тахмин қилмоқда. Улардан 70000 нафари вирус билан боғлиқ касалликлар туфайли оламдан кўз юмиши мумкин, деб ёздаи Science журнали. Тарихда энг оғир грипп эпидемияси 1918 йилда Испанияда содир бўлган. Ушанда вирус тахминан 25-40 миллион аҳолининг ҳаётига зомин бўлган. Бу йилги...

вақциналар етказиб берадими?

Эпидемия Россия учун ҳам катта хавф тугдириши мумкин. Россиялик мутахассисларнинг тахминларига кўра, 2003 йилда 3 миллион россиялик грипп билан касаллангани эҳтимоли бор. Москвада грипп эпидемиясининг шу кунларда бошланиши кутилмоқда.

Бу эпидемия нима учун бошқаларидан кўра хавфлироқ?

Биринчи навбатда уларнинг тузилиши ва тез ўзгарувчанлиги. Маълумки, вируслар ҳар йили, оз бўлса ҳам, ўзгариб туради. Шу туфайли эпидемия яна ва яна пайдо бўла бошлади. Лекин вирусда 30-40 йил ичида катта ўзгаришлар содир бўлади. Инсон танаси эса бунга тайёр бўлмайди. Ҳали одам...

ХўРМАТЛИ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР! «ЎЗБЕКИСТОН» ДАМ ОЛИШ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИАТИ. Сиеларни Кисловодок шаҳрида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сизақтоғида табиат қўйида. Янги 2004 йилни қаршилаб олиб, ҳордиқ чиқариб, соғлигингизни тиклаб олишингизни тақлиф қилади. ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ УЧУН БАЙРАМ ОЛДИДАН НАРХЛАР АРСОНЛАШТИРИЛГАН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ. шахсий компьютерлар, матрицали, лазерли принтерлар учун бутловчи қисм ва сарфланадиган материаллар етказиб бериш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Бу ортмалар маъжур эълон чиққан вақтдан бошлаб, 5 кун давомида қабул қилинади. Бунда компания (фирма)маҳсулотни улғуржи таразда етказиб бериш учун воқалатта эғалигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатиши шарт.

«1-son AVТОКОМБИНАТИ» ОАҶ. ақциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2003 йил 25 декабрь куни соат 8.00да қуйидаги манзилда ўтказилади: Ташкент шаҳри, Бектемир тумани, К.Отабоев кўчаси, 74-уй. КУН ТАРТИБИ: 1. «1-son AVТОКОМБИНАТИ» ОАҶ низоми жамғармасини қайтариш масаласи. 2. Турли масалалар. Қузатув кенгаши.


## Наманганликлар Ғолиб

Чинакам спортсеварлар вилоятига айланиб бораётган Наманганда ташкил этилган таэквондо бўйича республика биринчилигида 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган қора белбоғ соҳиблари татамига чиқди. Мазкур чемпионат «Ёшлар терроризм ва гиёҳвандликка қарши» шиори остида ўтди. Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган таэквондочиларнинг баҳси ҳақиқий маҳорат синовида айланди.



Чемпионлик, табиийки, энг кучлиларга насиб этади. Бу гал ҳам шундай бўлди. НамДУ талабаси Алексей Курмаев 65 килограммгача вазнлилар ўртасида Ғолибликни кўлга киритди. У республика чемпионатидан илгари Польшада ўтган халқаро мусобақадан бронза медали билан қайтиб келган. 52 килограммга таэквондочилар орасида яна бир наманганлик Дониёр Йўлдошев ҳам Ўзбекистон чемпиони номига сазовор бўлди. Бундан ташқари, вилоятнинг 6 нафар спортчиси ҳам совриндорлар сафидан жой олишти.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири



Таэквондо

Муаллифларимиздан бири кўнгирак қилиб, муҳим масалада гаплашмоқчи эканлигини айтди. Рози бўлдим.

Айтилган кун танишимиз бир киши билан кириб келди.

## Ошқора савоб — миннат

— Опа, акахонимиз вилоятлардан бирида корхона раҳбари бўлиб ишлайдилар. Бу кишининг ҳиммати ҳақида чиқиш қилмоқчийдим.

Маълум бўлишича, қайси бир ташкилотнинг раҳбари бўлган бу акахон яқинда бир савоб иш қилибдилар: Россиянинг алмакис вилоятига ишлаш учун кетган бир йилгит хасталик сабаб вафот этгандан сўнг марҳум жасадини келтиришга ҳомилий қилибди.

Дастлаб менда бу савоб қаршимиздаги одамнинг уз жамғармалари ҳисобидан бўлгандир, деган ўй бор эди. Бироқ, саҳийлик корхона ҳисобиданлигини эшитган, ажабландим.

— Опа, улуг айём кунлари шу мақола чиқиб кетса, заб аяхи иш бўларди-да. Мақола тўғриси акахоннинг мушкуллари осонлашса, ахшилингиз исзис қилиб кетмайдим. Бу киши ахшиликни билдирганлардан — ошқора илтимосга ўтди суҳбатдошим.

Рад қилишдан бошқа чора йўқ эди.

Улар ишлари битмагач «Бизни ҳам босадиганлар топилиб қолар» дея норози бўлиб хонани тарк этишди. Уларни кузатарканман, яқинда Меҳрибонлик уйда ишлайдиган дугонам айтган

ҳижоқа ёдимга тушди. Унинг айтишича, ўтган йили рўза-рамазоннинг дастлабки кунини Меҳрибонлик уйига бир киши келиб, болалар учун турли совғалар, кийим-бош, озик-овқат маҳсулотлари, ширинликлар ва яна аллақанда китоблар ташлаб кетибди.

— Совғалар кимдан, дейишса нима дейлик? — сурашибди тарбиячи оналар.

— Бунинг нима аҳамияти бор? — дебди нотаниш киши. — Кимлигини айтиш шарт эмас. Бир амаки, деб қўлинг...

Энди тасаввур қилинг, кимдир шахсий жамғармасидан маблаг ажратиб мискинлар кўнглига ёруғлик олиб кирса ва ҳатто исмини айтишга ҳам истиҳоло қилса-ю, бошқа бир корхона жамғармасидан маблагидан қилинган хотамтойлигини газетда байроқ қилиши кўнглилари тусаб қолса? Донишмандлар бир кўлинг қилган хайру эҳсонни иккинчи кўлинг билмасин, дейишган-ку?

Дадам бир гапни кўп такорлайдилар: бирова қилган ахшилинг миннатли бўлмасин. Гуноҳга ботсан, алалоқибат эса Аллоҳнинг раҳмат нурларидан бебаҳра қолсан.

...Ёдимда, унда ҳали бола эдик. Бир кун дадам уйимизга бечорохал кийинган бир кишини бошлаб келдилар. Дадам у кишига шу қадар иззат-ирком кўрсатдиларки, гўёки уйимизга

Хўжаи Хизр кириб келганларидай. Табиийки, биз бу ҳолдан ажабландик.

— Онаси, бу кишини таниясанми?

— Танишдай кўринаптилар, бироқ қаерда кўрганамини аниқ эслолмапман, — жавоб бердилар онам хижолатомуз.

— Тошкентдан бутунлай кўчиб келганмида Хо-восда нарсаларимизни олдириб кўйганлигимиз ёдингдими? Ушанда бир нотаниш йилгит «Мендан сизларга ёрдам», деб йўлқирамиз, хатто маълум муддат аша-

шимиз учун пул берганди. Манзилини ҳам айтмаганди. «Одам одамга оғир кунда ярамаса қачон ярайди», дегани ёдингдими?

Дадам гапиряптилар у одам «Кўйсангизчи, ака», дейди хижолатомуз. Уша кунини уйимиздаги ёлғиз жонлигимиз — кўй сўйилди. Эртаси кун дадам ва онам тонгда бозорга боришиб у киши — Турғунбой амакига бошдан оёк сарпо қилиб келишди. Учинчи кун дадам у кишини ҳам ўзлари ишлайдиган Кўкон локомотив депосига ишга олиб кириб қўйдилар. Амаки дастлаб ишга бизнинг уйимиздан катнадилар, бирор ҳафтала ўтган эса ётоқхонага кўчиб ўтдилар. Кейин билсақ, у одам тумандан қамалиб, эндигина озодликка чиқиб келатган экан. Фа-

лакнинг гардишини қарангки, тоғ-тоғ билан учрашмас экану... Аллоҳ бу сафар у кишига дадамни йўлқитирган. Шунда мен «Яхшилик қил, сувга ташла, балиқ билар, балиқ билмаса Холик билар», деган ҳикматнинг маъносини англагандай бўлдим. Қачонлардир қилинган беминнат яхшилик исзис кетмас экан.

...Уйга қайтдим ҳамки, бугунги воқеа, ахшилигини пеш қилиб, газетга чиқиш илнжиди атай Тошкентга келган уша корхона кўз ўнгимдан кетмасди.

Бор гапни билиш учун «акахон» раҳбарлик қилаётган корхонага кўнгирак қилдим. У кишининг ҳал қилини лозим бўлган муаммоси нима эканлигини билгим келди. «Саховатпеша акахон» яқинда корхонага раҳбар вазифасини бажарувчи қилиб тайинланган экан. Тушунарли. Корхона ҳисобидан қилинган саховатни ҳам ўз манфаатига хизмат қилдириш пайида эканлигини англагач эса... хафа бўлиб кетдим. Биргина ундан эмас, балки унинг гаразли максасидан манфаатдор бўлмоқчи бўлган танишимдан ҳам...

Донишманддан сурабдилар: — Нимани ёддан чиқармаслик керак?

— Бировнинг қилган ахшилигини.

— Нимани унутмоқ керак?

— Бировга қилган ахшилигини.

Бейхитёр Меҳрибонлик уйига мурувват қўлини чўзган юртдошим ёдимга тушди. Фуруландим. Гўё у менинг отамдай, акамдай, жон жигаримдай... Дунёни ахшилар, уларнинг меҳроқибатлари гўзал қилиб турганига шукроналар айтдим.

Мажҳуда ХОЛМАТОВА,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Умар Хайём ҳақида фильм

Голливуднинг «Гайдфильм» компанияси мунажжим, математик олим, файласуф ва шоир Умар Хайём ҳаёти ва ижодий фаолиятидан хижоқ қилувчи «Асрагил» фильмини суратга олмақда. Суратга олиш ишлари дастлаб Самарқандда бошланган бўлса, айни пайтда Бухоро шаҳрида давом этмоқда. Бу ердagi суратга олиш жараёнилари тугагач эса, ижодкорлар Навоий вилоятига йўл оладилар. Хуллас, фильмда Умар Хайём ашаган жойлар тўлалигини қамраб олинган. Умар Хайём сиймосини испаниялик актёр Бруно Ластра талқин этаётган бўлса, унинг дўсти Ҳасаний Саббоҳ роли англиялик актёр Кристофер Пинсонга топширилган.

Фильмда ахсонга машҳур актёрлар билан бир қаторда ўзбек санъаткорлари ҳам турфа образлар яратяшаётир.

Ўз мухбиримиз.

УЛГҲРЖИ ХАРИВОРЛАР ВА НОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2002 ЙИЛ 13 НОЯБРДАГИ «ЯРМАРКА САВДОСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҲҲРИСИДА»ТИ ҚАРОРИ ВА 2003 ЙИЛ 31 ОКТЯБРДАГИ КҲРСАТМАСИГА БИНОАН

шу йил 10-12 декабрь кунлари  
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

### «ЎЗКҲРГАЗМАСАВДО»

ЖАМИЯТИ БИНОСИДА

«Файз», «Ўзқилшоқўжалиқмаш» холдинг компаниялари, «Ўзмашсаноат», «Ўзқимбсаноат», «Ўзэлтехсаноат», «Ўзавтосаноат», «Ўзбекқорозсаноат», «Ўзатромушсервис» акциядорлик уюшмалари, «Ўзқурилишматериаллари» компанияси, «Совпласттал» ҚҚ, В.П.Чалов ноили авиация, «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Қизилқумнодирметаллоптин» концерни, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзқикиламчиранглиметалл» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа нозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 2004 йилда ишлаб чиқариладиган энгил автомобиллар, мебель, маданий-маиший, хўжалик, электр хўжалик, қурилиш материаллари, қоғоз, заргарлик маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмол товарларига республика ҳудудида жойлашган мулкчилик шаклидан қати назар истеъмолчилар билан шартномалар тузиш

### УЛГҲРЖИ-САВДО ЯРМАРКАСИ ҲТКАЗИЛАДИ.

Ушбу ярмаркага барча нозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари, ташкилотлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, тадбиркорлар таклиф этилади.

МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:  
139-10-93,  
139-10-25.

Ярмаркага марҳамат!

«ЎЗБЕКСАВДО» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

Инвесторлар ва тадбиркорлар диққатига!

### ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАГА СОТИШ БҲЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ҲТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМССИЯСИ ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИНИ БЕПУЛ БЕРИЛИШИ БҲЙИЧА ТАНАВЛАР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловлар 2003 йилнинг 29 декабридан бошлаб, республика ҳудудида жойлашган қуйидаги ташкилот ва объектлар бҲйича ўтказилади.

Давлат ташкилотлари		
Самарқанд вилояти		
1.	СПМК «Пахтачи»	Пахтачи тумани
Сирдарё вилояти		
2.	АТК-3	Янгиер шаҳри
3.	Янгиер шаҳар маданият ва истирохат боғи	Янгиер шаҳри
Кўчмас мулк объектлари ва мулкый комплекслари		
Сирдарё вилояти		
4.	«Гуллола» боғча биноси	Сайхунобод тумани
5.	СВА «Навбахор»	Ховос тумани
Фаргона вилояти		
6.	«Ширинтой» боғчаси	Кувасой шаҳри
7.	«Шаллола» (№44) боғчаси	Марғилон шаҳри
8.	«Ёрқин» (Турон шойиси) боғчаси	Марғилон шаҳри
9.	«Роҳат» боғчаси	Сўх тумани
Тошкент шаҳри		
10.	3-сонли АКҚП автокорхонаси	Тошкент шаҳри, Сергели тумани

Танловда бепул бериладиган давлат ташкилотлари ва объектларини инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш ва улар фаолиятини қайта тиклаш шарти билан сотиб олиш истагини билдирган жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун номзодлар томонидан Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари ҳузурдаги ҳудудий танлов ҳайъатларига танловда иштирок этиш учун ариза ва муҳрланган конвертда танлов таклифлари тақдим этилиши лозим.

Танловларда иштирок этиш ва уларни ўтказилиш тартиби тўғрисидаги саволлар бҲйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бҲйича қўмиталарининг ҳудудий бошқармаларига қуйидаги телефонлар орқали мувожаат қилиниши мумкин:

Самарқанд шаҳри: (3662) 33-73-54, 31-13-65;  
Гулистон шаҳри: (3672) 26-53-15, 26-53-11;

Фаргона шаҳри: (3732) 24-29-61, 24-68-38;  
Тошкент шаҳри: (371) 139-43-13, 133-10-74.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Mix Market

ИДОРА МЕБЕЛЛАРИ САЛОНИ

Италия дизайнерлари ишланмалари

15 турдан зиёд кабинет мебеллари  
2,5 м дан 5 м гача бўлган конференц-столлар  
Шкафларнинг катта танлови

КОНСЕРВАТИЗМДАН  
АВАНГАРДГАЧА

Офис тўсиқлари  
чарм креслолар  
юмшоқ мебеллар тўплами

Буюртма бҲйича конференц креслолар  
етказиб бериш имконияти бор

Товар сертификатланган

Бизнинг манзил: Тошкент ш. А.Темур-Эргашев к., 2  
(мулквал «Қозғоғитон» к-ри, Юнусовод тумани солиқ ине-си қаршида)  
Тел.: 135-74-47, тел.факс: 135-41-59. E-mail: qbs@sarkor.com

## Дурангга уч дақиқа ортиқчалук қилди

Бирлашган Араб Амирликлариди бўлиб ўтаётган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг дастлабки турда ҳамюртларимиздан одам юз ўғирди. Гурӯҳ уйинларининг биринчи турда Мали футболчиларига қарши майдонга тушган ёшларимиз учрашувининг тўртинчи дақиқасидеб ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди.

Лекин бу гол йилгитларимизни саросимага солиб қўймади. Аксинча, улар кетма-кет ҳужум уюштиришга тушдилар. 18-дақиқада «Бухоро» ҳимоячиси Ислам Инъомов ўзининг кучли зарбаси билан ҳисобни тенглаштирди. Иккинчи бўлимнинг бошларида яна африкаликлар олдинга чиқиб олишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Россия армиячилари сафида тўп сураётган Александр Гейрих Мали дарвозабонини ожиз қолдирди. Кўпчилик учрашувда дуранг натижа қайд этилади, деб турган бир пайтда рақибларимиз ҳакам томонидан қўшиб берилган вақтда Игнатий Нестеров кўриқлаётган дарвозага учинчи тўпни йўллашди. Буни Осей футбол конфедерациясининг нашри football-asia.com куйидаги хижоқлади: «Ҳакам томонидан қўшиб берилган уч дақиқа

жаҳон чемпионатида илк бор иштирок этаётган Ўзбекистон терма жамоасини бир очкодан маҳрум этди».

Дунё биринчилигида иштирок этаётган китвадошларимиз шов-шувли натижа қайд этишмоқда. Футбол ватани — англиялик тенгқурлари билан кечган баҳсада япониялик ёшлар 1:0 ҳисобида устун келишди. Бундан ҳам ажойиб натижага Жанубий Корея футболчилари муваффақ бўлдилар. Жаҳоннинг энг кучли терма жамоалари сифатида эътироф этиладиган Германия ёшлари осейликларга 0:2 ҳисобида имкониятни бой беришди.

Кеча кечқурун Ўзбекистон терма жамоаси сўнгги жаҳон чемпионатининг Ғолиби Аргентина футболчилари билан гуруҳдаги иккинчи уйинини ўтказди.

Дилмурод ПАРПИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болнев (масул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қашибегенов, А. Хайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рунхатадан ўтин тартиби № 00001

Буюртма 1 — 00172, 21378 нускада босилган, ҳажми — 2 тўбас. Объект усулида босилган.

Котиз бичими А-2

Газета IBM компьютерда терилди ва оператор Жамшед ТОҲАЕВ томонидан саҳифаланди.

Таҳрирхонада ҳажми 5 қотоздан энгил материаллар қабул қилинади.

П-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Саидов. Навбатчи — М. Жонқонов. Муъаххун — М. Сулаймонова.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга тошшириш вақти — 21.00. Тошширилди — 21.40 1 2 3 4 5